



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 19 октябр, сешанба № 166 (1799)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАБНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадри дўстлар! Авваламбор сиз, азиз Бухоро аҳлини бугунги кўлга киритган улкан ғалабангиз - давлат пахта топшириш шартнома режасини мамлакатимизда биринчилар қаторида бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Хабтнинг мураккаб синов ва қийинчиликларидан тобланган, тадбиркор ва омиликор Бухоро вилояти деҳқонларининг фидокорона меҳнати билан бунёд этилган 360 минг тонналик катта пахта хирмони юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида қўшилган салмоқли ҳисса бўлди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бу меҳнат зафарига осонликча эришилмагани, унинг замирида Бухоронинг оғир иқлим ва табиий шароитида ҳар қарич ер, ҳар томчи сувни қадрлайдиган, пахтачиликнинг сир-асорини, ишнинг негизини пухта билладиган, ҳосил тақдирини ўйлаб кечани-кеча, кундузи-кундуз демай тер тўқадиган минг-минглаб заҳматкаш деҳқонларнинг, мутасадди ходимлар ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати муҳассам эканини барчамиз яхши англаймиз.

Қишлоқ ҳўжалик соҳасида ислохотларни изчил амалга ошириш, Бухоро деҳқончилик мактабига хос бўлган қадимий ва бой анъаналардан, замонавий фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан қўлпа ширкат ва фермер ҳўжаликлари етиштирилган пахта хомашесини юқори сифат билан топшириб, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги учун мустаҳкам пойдевор яратгани таҳсинга лойиқ.

Айниқса, шу замин, шу тупроққа мос, сөрҳосил навларнинг яратилгани, одамларда ерга эгаллик туйғуси кучайиб бораётгани, далада ишлаётган барча одамларнинг меҳнати ни муносиб қадрлаш ва рағбатлантиришнинг янги усуллари жорий этилаётгани бу ғалабани таъминлашда муҳим омил бўлгани шубҳасиз.

Ишончим комилки, Бухоронинг юқини ўз елкасида кўтариб, унинг қадимий ширкати янада юксалтириб келаётган вилоят меҳнаткашлари халқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари бўйича ҳам зиммага олган мажбуриятларни адо этиб, йилни ёруғ юз билан якуллайди.

Сизларни улкан меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сўхат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо омон бўлинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим! **Ислом КАРИМОВ,** Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотухи, Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номидан самимий табрик ва эзгу истакларни издор этишдан гоёт мамнунман. Сизга сўхат-саломатлик, бахт ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳ азза ва жалладан ушбу саодатли кунларда рўза ва бошқа ибодатларимизни қабул қилиши ҳамда ислом умматига хайр-баракот ато этишини сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, чуқур эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз Фаҳд бин Абдулазиз АС-САУД, Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотухи, Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига мамнуният ила эзгу қутловларимни йўллайман. Сизга соғлиқ, бахт-саодат ҳамда биродар Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳ таоло ушбу фазилатли кунларни мусулмон умматига хайр-баракати қилсин.

Жаноби Олийлари, табрик ва эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз Султон бин Абдулазиз АС-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари, Миллий гвардия кўмондони

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотухи, Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига мамнуният ила эзгу қутловларимни йўллайман. Сизга соғлиқ, бахт-саодат ҳамда биродар Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳ таоло ушбу фазилатли кунларни мусулмон умматига хайр-баракати қилсин.

Жаноби Олийлари, табрик ва эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз Султон бин Абдулазиз АС-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, Мудофаа ва авиация вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Фазилатли Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Тунис халқи, ҳукумати ва ўз номидан очиқ кўнгли ила муборакбод этиш менга ҳузур бахш этмоқда.

Қодир Аллоҳдан бундай кунларни барчамизга хурсандчилик ва баракотлар ила тақдор қилиши, қардош халқларимиз фаровонлиги, мусулмон умматининг равнақи йўлидаги сай-харакатларимизни қўллашини сўраб қоламан.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ, Тунис Республикаси Президенти

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17-18 октябр кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОХ) ташкилотига аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этган мазкур саммит МОХ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганини, фаолияти янгича мазмун билан бойиб бошлаганини кўрсатади. МОХ сафи янада кенгайди - Россия Федерацияси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Россиянинг МОХга аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараёндир». Негаки «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан Россия манфаатдор».

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида 2002 йил 28 февралда имзоланган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан, Россия Федерациясининг қўшилишига оид қарор қабул қилинди.

Ислом Каримов минтақамизда Россия ўз манфаатларига эга эканини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Россиянинг қўшилиши МОХнинг салоҳият ва имкониятларини янада оширади, фаолиятини янги мазмун билан бойити.

Маълумки, ташкилот аъзолари анча вақтдан буюн Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт консорциумларига оид концепцияларни муҳокама этиб келди. Душанбе саммитида минтақа мамлакатлари мазкур соҳаларда бир-бири билан узвий боғлангани таъкидланди. Ягона консорциумларнинг тузилиши муайян соҳаларда энг камхарж, энг қулай савдо-сотикни йўлга қўйиш имконини беради. Энергетика таъминотидаги узиллишлар ва транспорт қатновидаги англашил-мовчиликларнинг олди олинди.

Иқтисодиётга оид жиноятларга қарши курашда ҳам консорциумларнинг аҳамияти катта бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ноқонуний савдога ўрин қолмайди, бош-

ташаббус ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. Душанбе саммитида бу масала яна бир бор кўриб чиқилди. Жумладан, Президент В.Путин Россия Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Бу тақдирнинг долзарблигини эътиборга олиб, Душанбе саммитида ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматларга террорчилик ҳамда экстремистик ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларининг рўйхатини тузиш топширилди. Президент И.Каримов бошқа аъзоларини ҳам шундай йўл тутишга даъват этдилар.

Террорчиликнинг усуллари тобора мураккаблашмоқда, бу иллат наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва уюшган жиноятчилик билан чамбарчас боғлиқ. Дунёда ўз бераётган воқеалар хавфсизлигини таъминлаш масаласи гоёт жиддий тус олаётганини ва бу муаммони фақат ҳамкорликда ҳаракат қилиш билан бартароф этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Музокаралар чоғида президентлар бу борада яқдил эканлигини таъкидладилар. Марказий Осиёда барқарорлик ва тинчликнинг мустаҳкам таъминлишини муайян даражада Афғонистондаги вазиятга ҳам боғлиқ. «Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, Марказий Осиёда хотирхамлик бўлмайди, - деди Ислом Каримов. - Афғонистон минтақамизнинг нафақат география, маданий-тарихий, балки геостратегик жиҳатдан ҳам муҳим бўлибди. Шу боис ушбу мамлакатнинг ташкилотимизга аъзо бўлиш учун интилаётгани мантиқан тўғридир».

Шу жиҳатдан қараганда Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Афғонистон вице-президенти Ҳидоят Амин Арсадо кўзатувчи сифатида иштирок этгани муҳим аҳамиятга молик. МОХга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**
Ш.Нурматовни Фарғона вилоятининг ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 - (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ;
Шермат Нурматов Фарғона вилоятининг ҳоқими этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 15 октябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**
А.А.Отабоевни Фарғона вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 - (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ;
Алишер Абдужалилович Отабоев ўз аризасига биноан Фарғона вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 15 октябр

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

15 октябр кунни халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.
Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари сўнги йилларда вилоятда иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу ўзгаришлар нафақат Фарғона, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида из қолдирган ютуқлардир. Жумладан, Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси замонавий технологиялар асосида реконструкция қилинди. Пахтадан ип-калава, газлама ишлаб чиқаришга иқтисодлашган «Қабул-Фарғона компания», «ДЭУтекстел», «Бештекс» каби замонавий қўшма корхоналар ишга туширилиши пахта хомашесини ўзимизда қайта ишлашда, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни пайтда, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, кейинги таҳлил вилоятда эришилган ютуқлар билан бирга қатор соҳаларда орқага кетиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Макроиктисодий кўрсаткичларнинг кейинги уч-тўрт йиллик таҳлили шуни кўрсатадики, саноат маҳсулотларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2003 йилда 1997 йилдаги 30 фоиздан 15,5 фоизга тушиб қолган.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам жиддий оқсаб кўзга ташланмоқда. Пахта ҳосилдорлиги 2000 йилда қарий 30 центнерни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб 18,7 центнерга пасайган.

Қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, ижтимоий со-

ҳалар ривожини ҳам талаб даражасида эмас.

Буларнинг сабаблари вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни янгича асосда ташкил этиш, хорижий инвестиция иштирокида қўшма корхоналар очига етарлича эътибор берилмаётганидир. Бошқача айтганда, ташкилотчилик ва талабчанлик бўшашиб кетган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Алишер Отабоев ўз аризасига биноан Фарғона вилояти ҳоқими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Шермат Нурматов Фарғона вилояти ҳоқими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Э.Воҳидов, Қўшма шаҳар ҳоқими М.Мононов, Кува тумани ҳоқими О.Холбеков, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партияси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари И.Аминжонов, Марғилон шаҳридаги «Истикбол» гимназияси ўқитувчиси З.Аҳмедова ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни ушқоқлик, ташаббускорлик ва маъсулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

Ғулوم МИРЗО, **Маъсуд СУЛАЙМОН,** **Ўза махсус мухбирлари**



ТАЛАБЧАНЛИК, ИЖРО ИНТИЗОМИ БЎЛМАСА ИШ ОРҚАГА КЕТИШИ АНИҚ

Давлатимиз раҳбарининг Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида шу куннинг ўта муҳим, долзарб масала-муаммолари кенг қамраб олинган. Хусусан, раҳбар ўрни ва маъсулияти, эл-юрт ташвиши билан яшаш, ишлаш асосий мезон эканлиги хусусида алоҳида гап борди. Кўпга бош бўлган инсон ён-атрофдагиларнинг ҳурмат-эҳтиромини фақатгина қаттиқ меҳнат, ҳалоллик ва адолат туғайли қозониши мумкин. Бундай фидойи, ташкилотчи, жонқуяр инсонлар жуда кўп.


Бирок шундайлар ҳам борки, улар фақат ўз ҳузур-халоватини ўйлашади. Инсофни унутиб, нолоқ ишларга қўл уриб, мўмай пул орттириш пайида бўлишади. Поп туманидаги «Водий экспресс» маъсулияти чекланган жамият мутасаддилари худди ана шундай кимсалар сирасидан эди. Улар қисқа мuddат ичида бир миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд товар айланмасини амалга оширган бўлсалар-да, солиқ ҳисоб-китобларига 43 миллион 300 миң сўм товар айланмасини кўрсатишган. Бу билан бир миллиард 650 миллион сўмдан ортиқ маблағни яшириб қолишган. Ҳў, нега шундай хол юз берди, деган савол туғилиши табиий. Масалага чуқурроқ ёндошайлик.

Мустақиллик туғайли иқтидорли, ташкилотчи кишилар ўзларини амалий фаолият орқали намойиш қилишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бирок худди ана шу имконият, имтиёзни нотўғри тушунган «Водий экспресс» маъсули-

яти чекланган жамият асоси ҳайитали Акбаров биринчи кунданок иккиланмай қинғир ишларга қўл ура бошлади. Қаранг, у улгуржи савдо учун рухсат гувоҳномаси беришларини сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилганида, ўйлаб кўрадиган тумонлар кўп эди. Яъни, ушбу жамиятга устава фонди шакллантирилганини кўриб-билиб турган туман ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларига зид ҳолда тегишли рухсатномани бериб юборди. Яна бир мўжвал томони кейинчилик равшанлашди. Яъни, жамият асоси негиздаги раҳбарлиқни 21 майдан эътиборан Фарғона вилояти Қўшма шаҳрида яшовчи Наримон Мўминов деган кишига топширилган. Унга барча банк ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқи берилган.

Орадан муайян вақт ўтган «Водий экспресс» мутасаддиларини қидирганлар қўла-

йиб қолди. Гап шундаки, ушбу жамиятдагилар турли номаъбул йўللار билан пул топишга эру беришган. Масалан, хари-дорғир, аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар қўллар томонидан гоёт интизорлик билан қўтилаётгани қайта-қайта ўқтирилгани ҳолда олинади. Бирок улар айтилган манзил, ёки жамият оямборхонасига келиб тушмайди. Андиқроғи, хуфёна усуллар билан тарқатилади. Ажабланишли томони яна шуки, катта маблағ сарфлаб олинган ҳамда қайта сотилиганидан кейин келган даромад учун ҳам солиқ тўланмаган. Бу ҳақда солиқ идораларига тегишли ҳужжатлар тасвия этилмаган.



Ана энди ўзингиз ўйланг, солиқ идораларига ҳисобот тақдим этилмаса, катта миқдордаги пул маблағлари банк муассасаларига топширилмаса бундай ҳолатлар иқтисодийнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, ахир. Энг ёмони, Фарғона вилоят Кенгаши сессиясида таъкидланганидек, бундай ишлар одамлар ўртасида қонун ва адолатга бўлган ишончининг сўниши, маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади. Бунинг зарарини эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, **«Ишонч» мухбири**

САЙЛОВ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Хурматли тахририят!

Сайлов тизими нима, жaxon мамлакатларининг давлат қурилиши тажрибасида унинг қандай турлари мавжудлиги ҳақида тушунча берсангиз.

**Н.ОТАЕВ,
С.НАБИЕВ,
Тошкент вилояти**

Хар қандай демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири эркин ва адолатли сайлов тизими жорий қилинганлигидир. Демократиянинг энг муҳим тамойили, - дейди Юртбошимчи И.А.Каримов, - одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳаққий шарт-шароит, қоний-ҳуқуқий замин яратиш бериш лозим.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳозирги кунга келиб демократик сайловлар тизими тўла-тўқис, дейишга етарли асослар бор.

Ўзбекистон сайлов тизимининг демократик моҳиятини тушуниб етиш учун аввало, сайлов тизими нима? Жaxon мамлакатларининг давлат қурилиши тажрибасида унинг қандай турлари мавжуд? деган саволларга жавоб топиш зарур.

Сайлов тизими икки маънода ишлатилади. Сайлов тизими деганда, биринчидан, сайланадиган (хаммадан аввал вакиллик) давлат органларини шакллантириш тартиби; иккинчидан, сайловда овоз бериш натижалари аниқлангандан кейин сайланган органларда жойларни тақсимлаш тизими тушунилади. Бир сўз билан айтганда, давлатда вакиллик органларини шакллантириш юзасидан мавжуд бўлган ва фуқароларни сайловга жалб этиш, сайловларни ташкил қилиш ва депутатнинг сайловчилар билан ўзаро муносабатларини белгилайдиган тартиби сайлов тизими дейилади.

Жaxon мамлакатларининг давлат қурилиш тажрибасида сайлов тизимининг мажоритар, пропорционал ва аралаш турлари қўлланилади.

Мажоритар тизим деганда (французча majorite - кўпчилик сўзидан) конституциявий ҳуқуқда вакиллик органларига сайловларда овоз бериш натижасини аниқлаш тушунилади. Мажоритар тизимда қонун билан белгиланган кўп овозни олган номзод (ёки номзодлар рўйхати) мазкур округ бўйича сайланган ҳисобланади. Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқда сайловчиларнинг нисбатан, мутлақ ва белгиланган жуда кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимлар қўлланилади. Масалан, АКШ, Буюк Британия, Хиндистон, Мексика ва бошқаларда ма-

жоритар сайлов тизими мавжуд.

Нисбатан кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизим энг содда тизим бўлиб, бунда номзодлар орасидан ўз рақибларининг ҳар бирига нисбатан кўп овоз олгани сайланган ҳисобланади. Бу тизимда кўпчилик сайловчиларнинг кўллаб-қувватлашига эга бўлмаган партия парламентда кўп ўринга эга бўлиб олиш мумкин. АКШ, Буюк Британия ва бошқа бир қанча давлатларда мажоритар тизимнинг ана шундай шакли қўлланилади.

Мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимда берилган ва ҳаққий деб топишган овозларнинг умумий сонидан мутлақ (ёки олдий) кўп овоз (яъни 50 фоиз +1 та овоз) олган номзод сайланган ҳисоблана-

овозларини олиш мумкин бўлганлиги учун, мандатлар одатда вакилликнинг пропорционал тизими бўйича тақсимланади.

Мажоритар сайлов тизимидан номзодлар умуман сайловчилар кўпчилигининг кўллаб-қувватлашига эришишга мажбурдилар. Бунда ўз номзодларини илгари сурган партиялар халқнинг кенг қатламлари манфаатларини ифода этишига тўғри келади. Акс ҳолда, сайловларда етарлича овоз олмай қолиши эҳтимоли кучли бўлади. Шу сабабли мажоритар сайлов тизими соддалиги, қўлайлиги ва аинқиса, оммабоплиги билан ажралади туради.

Хар бир сайлов округидан сайланадиган депутатларнинг сонига қараб бир мандатли ёки кўп мандатли мажоритар тизимлар бўлиши мумкин. Бир мандатли мажоритар тизимда бир округдан бир депутат сайланади. Кўп мандатли мажоритар тизимда бир округдан бир неча депутатлар сайланади.

Пропорционал сайлов тизими овоз бериш натижаларини аниқлашнинг бирмунча мураккаб тартиби бўлиб,

миқдор депутатнинг бир мандати учун зарур бўлган овозлар миқдорига бўлинади. Шунда мазкур партияга берилган депутатлик ўринлар сонни келиб чиқади.

Бундай тизимда сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Сайловчиларнинг овози белгиланган мейёр доирасида ва муносиб равишда депутатлар мандатлари сонини келтириб чиқаради. Бу ўринлар партия раҳбар органлари томонидан партиявий рўйхатнинг бош қисмидан жой олган номзодларга берилади.

Пропорционал сайлов тизими Исроил, Венгрия, Австрия, Дания, Испания, Польша ва бошқа мамлакатларда мавжуд.

Пропорционал сайлов тизимининг ўзига яраша ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари мавжуд. Бу тизим ана мураккаблиги билан ажралади туради. Унда аввало овозларни ҳисоблаб чиқиш анча қийин. Қолаверса, бу усулдаги сайловларда депутатликка номзодлар парламентда кўпчилик овозларининг шахсий фазилатлари ва сифатлари билан эмас, балки партияларга қўраш ва партия ичидидаги қўзланган мақсад натижасида сайланиб қолиши мумкин. Лекин шуниси ҳам борки, пропорционал сайлов тизимидан кўп нарса партия раҳбарларининг халқ орасида нечоғлик таниқли эканликларига боғлиқ. Бирок, шу билан бир қаторда партия рўйхати бўйича овоз беришда оммага унчаллик таниш бўлмаган номзодлар ҳам депутатликка сайланиб қолишлари мумкин. Бу тизимнинг асосий камчилиги шундаки, у сиёсий партияларнинг сонини сунъий равишда қўлай кетишига олиб келиши мумкин. Аинқиса, ўтиш даврида бундай тизимни қўллаш сиёсий ва парламент инқирозларини келтириб чиқариши мумкин.

Аралаш сайлов тизими ўзида ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизимлари элементларини мужассам этади. Масалан, Германияда Бундестагга сайловларда аралаш тизим қўлланилади. Унинг депутатларининг ярми бутун мамлакат ҳудудини қамраб олган бир мандатли сайлов округларида нисбатан кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизим бўлиши, иккинчи ярми эса кўп мандатли сайлов округлари ҳисобланган герман ўлкалари (Федерация субъектлари)да сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган номзодлар рўйхати асосида пропорционал тизим бўйича сайланади. Аралаш сайлов тизими Болгария, Гурзия, Литва, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилади.

**Д.АХМЕДОВ,
Х.МУҲАМЕДОВ,
ТДЮИ доцентлари**

26 декабр – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайлов ҳур ўзбекистонимизни гуллаб-яшнатиш, ҳар бир фуқаро муносиб ҳаёт кечирishi учун шарт-шароит яратиш бериш йўлидаги ўта муҳим босқичдир

Агар номзодлардан биронтаси ҳам етарлича овоз олмаса, қайта овоз бериш ўтказилади, бунда номзодлар рўйхатида нисбатан кўп овоз олган иккита номзод қолдирилади. Баъзан қайта овоз бериш ўрнига 2-тур овоз бериш ўтказилади, бунинг натижалари бошқача тизим бўйича аниқланади (масалан, Францияда Миллий мажлисга-парламентга сайловларда мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизим қўлланилади, 2-тур овоз беришда эса нисбатан кўпчиликнинг овозига асосланган мажоритар тизим қўлланилади).

Шунингдек, мажоритар тизимнинг қамдан-қам ҳолларда қўлланиладиган яна бир тури белгиланган жуда кўпчилик овозига (умумий овозларнинг 2/3, 3/4 қисмига) асосланган мажоритар тизим ҳам мавжуд. (Масалан, Чилида парламентнинг қуйи палатаси - Депутатлар палатасига сайловларда шундай тизим қўлланилади). Бирок, бунда фақат жуда оз номзодлар сайловчиларнинг 65 фоиз

бунда мандатлар ўз номзодларини вакиллик органларига қўйган партиялар ўртасида улар томонидан олган овозларнинг сонига мос равишда тақсимланади. Пропорционал сайлов тизимидан катта-катта сайлов округлари тўзилиб, уларда ҳар бир партия ўз номзодлар рўйхатини илгари сурди, сайловчи эса тегшли партияларнинг рўйхати учун овоз беради. Овоз бериш натижаларини аниқлаш учун сайлов мезони (ёки квота), яъни бир депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган овозларнинг энг кам миқдори (одатда 4-5 фоиз қилиб) ўрналади. Бунда шартга қўра, у ёки бу партиянинг номзодлари ана шу белгиланган овозларни олгандан кейингина мандатларни тақсимлашда қатнашади. Аввало сайловчиларнинг берган овозларининг миқдори депутатлик ўринларининг сонига бўлинади. Шунда битта мандат доирасидаги овозлар сонни маълум бўлади. Кейин ҳар бир партия олган овозлар алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Бу

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: мен 30-ўрта мактабда мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишламан. Шу йил апрел ойида чиққан қарорга асосан менга компенсация берилмапти. Шу тўғрисида аниқ маълумот берсангиз.

**А.САЙТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Тўртқўл шаҳри**

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелда бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларидаги Фармонига биноан куйидагиларга энг кам иш ҳақининг 15 фоизи асосида компенсация пул тўловлари тўлана бошланган.

Барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотиغا эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрлари; педагогик маълумотга эга меҳрибонлик уй тарбияланувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологлари; академик лицей, касб-хунар коллежлари ва ўрта махсус таълим муассасалари педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирилари, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологлари; педагогик маълумотга эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан та-

шқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор-методистларига;

олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари ва ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерларига;

юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагогик ва илмий педагогик стаж 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланади.

Амалдаги қонунчиликка биноан мусиқа ўқитувчиларига компенсация пул тўловлари бериш назарда тутилмаган.


ВАТАН ҲИМОЯСИ - ОЛИЙ БУРЧ

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 сентябрдаги қарорига мувофиқ, жойлардаги ички-иштин кўрсаткичи йиллик пунктларда иштирокчи Куроли Кўчалар сағфия жўнатиш ишлари жадал давом этмоқда.

Фарғона вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ана шундай навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ҳарбийлар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари бўлган аскарларга оқ йўл тилаб, Ватан олдидаги шарафли ва масъуляти бурчини аъло даражада ўтаб қайтишга қаққирдилар.

Ўзлонлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилади.

(ЎЗА)



Мустиқиллик туғайли кишлок ҳўжалигининг муҳим тармоқларидан бири – пиллачиликка ҳам эътибор кўчайтирилади.

Яратилган шарт-шароит нафақат, соҳада юкори унумдорликка эришишга, балки янги навлар яратиш, дунё бозорига ўзбек нағми нуфузини оширишга имкон бериши. Олимлар саъй-ҳаракати туғайли «Ипакчи-1», «Ипакчи-2», «Ўзбекистон-5», «Нишонланган» каби бир қатор серхосил навлар яратилди. Япония, Хитой, Корея ва бир қатор хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиб, қўшма корхоналар барпо этишга йўл очилди.

Буни ана шу соҳага анчайин ихтисослашган Наманган вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мавжуд 11 та туманининг барчасида Хитой давлати билан тузилган шартномага асосан хориж уруги парваришланди. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик асосида иш юритилгани боис, ҳар кути қуртдан 45 килограмм ўрнига 51 килограммдан хомашё етиштирилиб, давлатга 1711,9 тонна сифатли маҳсулот сотилди ва бунинг эвазига пиллакорларга бир миллиард 159 миллион 819 минг сўм иш ҳақи тўланди.

Шунингдек, жорий мавсумда 1 миллион 750 минг туп кўчат ўтказилиб, 80 гектарлик тўт плантацияси барпо этилди. Бу – яна уч йилдан сўнг қарийб учта туман етиштираётган пиллани боқиб қишга етидиган даражада хомашёнинг кўпайишига имкон яратди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ишлар шу тахлит илгари босишда давом этса ва нав сифатини сақлаб қолишга эришилса, тармоқдан келгусида миллиардлаб даромад олиш ва соҳани янада ривожлантириш мумкин.

Энди савол туғилади: пешона тери эвазига етиштирилган хомашёни қайта ишлаш, уни сотиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш қай аҳволда?

Наманганда бу борада бошқа вилоятлардагига қараганда анча изчиллик кўзга ташланади. Ваҳоланки, бир вақтлар пиллакорни пилла етиштиришдан қўра, уни қайта ишлаш муаммоси қийнаб келарди. Эндиликда «Наманганатлас» хиссадорлик жамияти ва «Уйчи-ипакчи» хиссадорлик жамиятларига олиб борилган изланишлар натижасида хомашёнинг асосий қисмини ана шу корхоналарда қайта ишлаш бери-

риб, сўнг экспорт қилишга шартлоб яратилди. Жорий йил ҳосилининг 110 тоннаси хорижга экспорт учун мўлжалланган. Бу – вилоятга бир неча минг АКШ долларига тенг валюта олиб кириш билан баробар. Маҳсулотнинг қолган қисми эса номлари зикр этилган корхоналарда ишлов берилади.

Лекин жиддийроқ таҳлил қилинса, қайта ишлаш корхоналари камлик қилаётгандай ёки айрим туманлардаги «Пилла» масъулияти чекланган жамиятларда хомашёни шу жойининг ўзида ишлашга тадбиркорлик ва ташаббускорлик етишмаётганлиги сезилиб қолади.

Масалан, Чуст тумани пилла етиштиришга кенг ихтисослашган. 15 та ширкат ҳўжалиги ва битта фермерлар уюшмаси ҳар йили 4300 кўти ипак қуртини 3800 хонадонда парвариш қилади. Мавсумда улар 177,5 тонна хомашё тайёрлаб, 127,7 миллион сўмлик маҳсулот сотишган. Аммо бу миллионлар янада кўп бўлиши мумкин эди.

Туман «Пилла» масъулияти чекланган жамиятдаги имкониятларга назар солинса, корхонада жуда кўп юмушларни амалга ошириш, шу жумладан, пиллага қайта ишлаш бериб, турли хилдаги маҳсулотларни Чуст ёрлиғи билан экспортга чиқаришга шартлоб етарлича эканлигини кўриш мумкин. Лекин қисқа муддатда одамлар билан гажум бўладиган ҳайҳотдай корхона мавсум якунланishi билан ҳувиллаб қолаётгани ачинарли хол эмасми?

Таҳлил, мулоҳаза, таклиф

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўн беш йиллик раҳбари Иброҳим Ҳакимов бу ҳолни ўзича изоҳлайди: «Ортиқча биноларни ижарага бердик, дурдурдорлик, энгил машиналарга хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Хомашёни қайта ишлашга эса маблағимиз йўқ...»

Янгиқўрган туманидаги «Пилла» масъулияти чекланган жамиятидаги аҳвол ҳам унчалик қувонarli даржада эмас. Тўғри, хомашё етиштириш бўйича туман пиллакорлари олдинги ўринлардан бирида туради. Аммо мавжуд имкониятларнинг бой берилаётгани фақат бугун учун

сўм, «Уйчи-ипакчи» хиссадорлик жамияти 15 миллион сўм маблағни етиштирувчиларга қайтариш ўрнига «биринчи ноябрга» ҳали мўддат борлиқда иш тутиб, бепарво юрганлиги асосий тармоқдагилар меҳнатига бепасандлик билан қарашнинг узидан бошқа ҳеч гап эмас.

Уйлаб кўринг, 315 миллион сўм ва бошқа имкониятлардан унумли фойдаланиш, ихчам, замонга мос қанча кичик цехлар қуриш мумкин. Асосийи, 11 та тумандаги пиллахоналарда биттадан кичик цех барпо этилса, йигирматадан хисобланганда қўшимча 220 нафар киши доимий иш билан таъминланган ва турли хилдаги маҳсулотлар «Наманганпилла» акционерлик бирлашмаси номидан бозорларни тўлдирган бўларди.

Энди ана бир мулоҳаза – пиллакорлар етиштирилган хомашёнинг энг сўнги нави – «қорапачок» ни яши биллишади. Истатистика-исталмас ҳар зведодан мавсум якунида 5-6 килограмм ана шу нав қиши табиий. Демак, вилоят бўйича хисобланса, камиди 25-30 тоннани ташкил этади. У қайта ишлаш қалава қилинса, турган битгани фойда-даромад манбаи. Вилоят пиллахоналарида ҳозир шу навнинг 30 тоннаси етибди. Келгусида уни бирорта туман пиллахонасида қайта ишлашга ихтисослаштирилса, фойдадан холи бўлмасди.

Наманган пиллакорлари фидойиллиги ҳукумати томонидан муносиб баҳолашни келинапти. Шу гўшадан парвоз қилган кўллаб ташаббуслар республикада оммалашганлигини ҳам кўпчилик яши билди. Лекин эртани ўйлаб ҳам яшаш керак. Пилла етиштириш қаторида салоҳияти кенг бўлган вилоятда хомашёни қайта ишлаш тармоқларини қўлайтиришнинг вақти аллақачон етиб келди. Бунинг учун озгина кўн кифой. Даромад ўзи оқиб келаверади.


Аслида муаммонинг келиб чиқишига хомашёни қайта ишлаш корхоналари ҳам сабабчи бўлиб қолапти. Айтайлик, «Наманганатлас» хиссадорлик жамияти шу кунгача 300 миллион

Ўзбекистонимизнинг сўлим ва баҳаво Зомин тоғлари орасида жойлашган республикада ягона нафас йўллари ва асаб тизими касалликлари сиҳатгоҳи ишлаётганига 16 йил бўлди.

Республика касаба уюшмалари Федерациясига қарашли ушбу шифо масканда юртимизнинг турли бурчакларидан беморлар келиб, дардларига шифо топтомоқда. Бу ернинг тоза ҳавоси, сўлим табияти, зилзол сувлари одамларга роҳат бахш этади.

Сиҳатгоҳда бир мавсумда 450 киши даволаниш имкониятига эга. Улар учун керакли шароитлар яратилган. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида барча муолажалар сифатли ўтказилади. Шунингдек, дам олиш хоналари, спорт майдончалари, почта-телеграф ва бошқа хизматлар улар ихтиёрида.

Суратларда: муолажа хонасида; даволаш корпуси.
Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар



«Хоразмшакар» очик акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2004 йил 19 ноябр соат 11.00. да Хазорасп туманидаги Янғибозор қишлоғи «Хоразмшакар» очик акциядорлик жамияти акциядорлик жамияти Кузатовчи кенгаши таркибига ўзгариш киритишди.

Акциядорлар реестри 2004 йил 7 октябр Кузатовчи Кенгашининг таклифига биноан навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари 2004 йил 19 ноябр кун соат 9.00. дан бошлаб рўйхатга олинади.

Акциядорлар ва уларнинг вакилларида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома бўлиши керак.

«Хоразмшакар» ОАЖ Кузатов Кенгаши

«Олой дехқон бозори» ОАЖ акциядорлари диққатига!

2004 йил 27 октябр соат 15.00 да «Олой дехқон бозори» маъмурияти биносида навбатдан ташқари умумий мажлис бўлиб ўтади.

Кун тартиби

- 1.«Олой дехқон бозори» ОАЖ бошқарув раисининг 2004 йил 9 ойлик якунлари бўйича ҳисобот маърузаси.
- 2.«Азмидин савдо» хусусий

фирмаси томонидан «Олой дехқон бозори» учун қурилган чойхона ва тургун савдо дўконини сотиб олиш тўғрисида.

3.Жамиятнинг Кузатов кенгаши аъзолари билан мукофотлаш Низомини тасдиқлаб олиш тўғрисида.

4.2005 йил бозор ҳудудини капитал таъмирлаш тўғрисида.

«Олой дехқон бозори» ОАЖ маъмурияти

